

Нозим Қосимов

Ўзбекистон бастакорлари



*Рахматжон
Турсунов*

Тошкент – 2003

XII
K-72

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари Вазирлиги
Истиқболни белгилаш, услубиёт ва ахборот
республика маркази
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат
маданият институти

НОЗИМ ҚОСИМОВ

Ўзбекистон бастакорлари
РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВ

Олий, ўрта маҳсус маданият ва санъат
ўқув юртлари учун халқ мусиқа ижодиёти ва
адабиёти фани бўйича ўқув қўлланма



ТОШКЕНТ – 2003
«ИЖОД ДУНЁСИ» НАШРИЁТ УЙИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари Вазирлиги Истиқболни белгилаш, услубиёт ва ахборот республика маркази ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти Илмий-услубий Қенгаши томонидан нашрға тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:	Баҳодир Саримсоқов филология фанлари доктори, профессор
Тақризчилари:	Абдуманон Назаров санъатшунослиқ фанлари доктори, профессор
	Қўлдош Мамиров педагогика фанлари номзоди, профессор

Бастакорлик Ўрта Осиё халқларида жуда қадим замоналардан мавжуд бўлган мусиқий ижод санъатидир. Бу санъат ҳар бир халқнинг ўзига хос мусиқий анъаналари асосида вужудга келиб, узоқ маданий-тарихий тараққиёт жараёнида мустақил мусиқий ижод сифатида шаклланган.

Бастакорлик санъати ўзбек халқининг меросида жуда катта ва муҳим ўрин тутади.

Ўзбек бастакорлик санъатининг машҳур намоёндалари ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Комилжон Ҳасанов, Муҳаммаджон Мирзаев, Фанижон Тошматов, Сайджон Калонов, Мухторжон Муртазоев ва бошқа устоз бастакорлар ўз ижодларида асосан халқ мусиқий анъаналарига суюндишлар.

Биз Раҳматжон Турсунов ижодига назар солар эканмиз, кўз ўнгимизда ўтмиш бастакорлар анъаналарининг давомчисини кўрамиз. Мусиқа ижодиётининг бастакорлик, оҳангдорлик, кўй ва ашулаларга мумтоз адабиётимиз намуналаридан қайта сўз мослаштириш, асарларнинг таркибий хусусиятлари доирасида туркумлаштириш каби йўналишларидаги амалга оширилган ишлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мазкур рисола профессор, бастакор Раҳматжон Турсуновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақиқидадир.

М У А Л Л И Ф Д А Н

Бу бастакорнинг номини эшитганда қалбингизда беихтиёр таважжуҳ ҳисси уйғонади. Бу таважжуҳ энг аввалло камтар ва меҳнаткаш, ярим асрдан ошиқ вақт давомида халқимизни дилтир наволари ила хушнуд этган устоз санъаткорга муҳаббатимиздандир.

Унинг ижодий услуби миллий мусиқий меросни энг илғор анъаналарини мужассам этади. Бу анъаналарни эса у устозлари Муҳаммаджон Мирзаев, Дони Зокиров, Б.Ф.Гиенко, Фанижон Тошматов, Мардон Насимов, Ботир Умиджоновлардан бекамукўст ўзлаштирган эди. Шу билан бирга Раҳматжон Турсунов замонавий мусиқа ижодиётидаги оҳанг ўзгаришларини нозик ҳис этиши, идроқлаши баробарида замонамизга ҳамоҳанг мусиқий дурдоналарни яратишга эришди. Эндиликда сермаҳсул ва серқирра ижодкорнинг мусиқий мероси ўнлаб қўшиқ, бир қатор романслари, қўйлари, болалар қўшиқлари, ҳор асаллари, рақслари каби қўплаб асалларни ўз ичига олади. Хусусан, санъаткор юзга яқин қўшиқ, қўйлар ижод этди, шунингдек, “Фамзасин севдинг кўнгил” (Фузулий), “Ўргади” (Навоий), “Висолинг бўлмаса” (Отоий), “Мубтало қилурсан” (Лутфий), “Бўйларингга” (Махтумқули), “Булбул”, “Фурқат нидоси” (Абдулла Орипов), “Мадҳингни қуйлаб” (Туроб Тўла), “Нур бўлиб дунёга келгансан” (Эркин Воҳидов), “Муҳаббатдан”, (Жуманиёз Жабборов), “Кечиб бўлмас” (Нормурод Нарзуллаев), “Ўзбекистон она диёр” (Муҳаммад Али), “Наврўзга етганда” (Анвар Истроилов), “Шаҳло”, “Арзи ҳол” сингари мумтоз ангула ва қўйларида шеъриятнинг, аниқроғи, шеърларнинг байтлари ички тизимларининг барча тафсилотлари ғайритабиий ифодаланади. Миллий мусиқий бастакорлик ижодида ўзига хос бастакор услуби алоҳида ажралиб туради.

Бастакор бу тоифа ашулаларни яратиш жараёнида энг аввало куй андозасига таянади. Аммо янги матн “шароитига” мувофиқ унинг ритм ва усулини ўзгартиради. Шу аснода қўйнинг жумла ва шакл тузилишлари, ўлчов бирликлари, ритмик тузилма ва урғуланиш ҳиссаларида тубдан ўзгаришлар юзага келади. Буларнинг пировард натижасида эса бадиий мустақил аҳамиятга эга қўшиқ ва қўйлар яратилади.

Раҳматжон Турсунов қўпчилик устоз халқ бастакорлари сингари халқ мусиқасининг, “Шашмақом”нинг, айниқса Республикализнинг ҳудудий услублари ҳонандалик ва созандалик санъатининг битмас тутганмас бойлигини ўрганиб, ўзлаштириш ва бу хазинадан самарали фойдаланиб, ўз асалларини кенг халқ оммасига тарқатди, оммалаштириди, уларни янада равон ҳамда бадиий мукаммал бўлишига, кенг шинавандалар томонидан қадрланишига интилди.

Раҳматжон Турсуновнинг созандалик ва бастакорлик услуби таъсир кучининг ҳаётчанлиги унинг сўнгти йилларда бастакорлик санъатида тутган ўрнида, ижодкорлик услубларига қизиқишининг кучайғанлигига кўриш мумкин.

РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВ ҲАЁТИ

Бўлажак санъаткор 1939 йил 5 марта Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Муллақувват қишлоғида туғилди. Отаси Турсунбой Тўқлиев қишлоқда чорвачилик билан шуғулланар ва бўш вақтларида дўмбира чертиб ашула айтар эди.

Дўмбирачи ва достончилар ҳаёти азалдан чорвадорлар орасида ўтгани боис, уларнинг ижроийлик дастуридан кўпинча чўпонлар, яйловлар, қўйлар тўдаси ҳақидаги достонлар ўрин оларди. Шу сабабдан уларнинг чаладиган асарлари, “Чўпончи”, “Дўмбира куй”, “Қўйни қидириш”, “Қўйни йифиши”, “Қўйни сугориши” сингарилар бўлса, достончилар жўр бўладиган асарлар “Бахши куй” номи билан юритиларди.

Турсунбой болалик чоғларида қўплаб дўмбирачилар ва бахшилар ижодидан баҳраманд бўлган эди. Чунончи, ўтган асрда Қодир бахши, Хўжана зар бахши, сингари бир қатор таниқли достон ижроилари қишлоқда ўтказиладиган халқ сайилларига, ҳайитларга, тўй-томушаларга келиб даврани қизитишарди.

Қаршига бониқа вилоятлардан, айниқса, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Бойсун, Шўрчи сингари жойларидан келган дўмбирачи ва бахшилар иштирокида ўтказиладиган тўй-томушаларга ёш Турсунбой ҳам ўз тенгқурлари билан тез-тез бориб турарди.

Бошлиғич мактабда ўқиб юрган кезлари Раҳматжонда мусиқага қучли ҳавас уйғонади. У таниқли созанда Маматқул Жалилов раҳбарлик қилган мактаб қошидаги мусиқа тўғарагига қатнашиб, ашула айтишини ўрганади. Табиатан нодир қобилиятга эга бўлган ўспирин 1955 йилда туман миқёсида ўтказилган кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритади.

Ушбу илк ижодий муваффақият Раҳматжон Турсуновнинг тақдирида аҳамиятли бўлиб, унинг узил-кесил касб танлаб олишида муҳим ўрин тутган эди. У 1956 йилда Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг хор-дирижёрлик бўлимига ўқишига киради. Бу даргоҳда 4 йил устоз таниқли ўқитувчи Надежда Ивановна Бачурина синфида дирижёрлик фанидан, устоз созанда Фани Тўлагановдан рубоб ижроилигидан сабоқ олади.

1960 йилда ўқишини муваффақиятли битиргач, Тошкент давлат консерваториясининг хор-дирижёрлик факультетига ўқишига киради. Консерваторияда ўқиши жараёни унинг учун мутлақо бошика оламни, унинг сирларини намоён қила бошлайди. Консерваториянинг концерт залидан тез-тез әнзитилиб турадиган жаҳоннинг турли мамлакатларида яшаб ижод қилган классик мусиқа намоёндаларининг хилма-хил жанр ва шаклдаги асарлари унинг билим савијасига кескин таъсир қўрсатади. Бу даргоҳда у шу вақтгача эши-

тилмаган ўзига хос услубда, профессионал шаклда яратилган мусиқа асарларга дуч келади.

Бу даврда бастакор ғарб ва рус ижодкорлари классик мусиқасининг гўзаллиги ва бойлигини ҳали у қадар тушуниш қобилиятига эга бўлмаса-да, ҳар қалай уни ҳайратга солган эди. Бундай концерт асарларини қайта-қайта әшитиш, Раҳматжон Турсунов дунёқарашининг кенгайиши, мусиқа истеъодидини профессионал мусиқа услуби шаклланишига замин тайёрлаган эди.

Бўлажак профессионал бастакорни мусиқа ижодкори сифатида шакллашиши ва такомиллашувида консерватория домлалари ва у ердаги қизгин мусиқавий муҳит ижодий ёрдам кўрсатади. Миллий чолғу асблолари рубоб, дугорда чалиб юрган ҳалқ созандасининг тўғридан-тўғри олий мусиқа ўқув юрти консерваториясида ўқишининг нақадар мураккаблиги ўз-ўзидан маълум албатта. Айниқса, профессионал мусиқанинг назария, таҳлил ва тарихи асосларини ўзлаштиришда у маълум даражада қийинчиликларга ҳам дуч келади.

Аммо ғоят катта ирода, тинимсиз меҳнат, тиришқоқлик, чидам, сабоат, матонат, мусиқа санъатини чин қалбдан севиш орзулари мана шу профессионал мусиқа ижоди сирларини ва хилма-хил услубларини эгаллашта ёрдам беради.

1968 йила Раҳматжон Турсунов консерваторияни тутатади. Энди Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институти “Ашула ва мусиқа” кафедрасида ишлани ва янги-янги ижодлар билан машғул бўлиш учун зарур имкониятлар туғилди.

УСТОЗ – МУРАББИЙ

Раҳматжон Турсунов педагогик фаолиятини 20 ёнда умумтаълим ўрта мактабда ашула ўқитувчиси бўлиб бошлаган эди.

Дарҳақиқат, педагогик фаолиятнинг бошланиши ўзига хос мураккаб жараён.

Ҳар бир санъаткор мураббий бўлмоғи, ўзининг билимини ёшларга бермоғи лозим. Раҳматжон Турсунов созанда, бастакорлик санъати билан бирга мураббий сифатида ҳам фаолиятининг яна бир қиррасини намоён қилди.

Мураббийлик қайси соҳада бўлмасин, энг шарафли муқаддас қасблардан ҳисобланади. Ҳар бир қасб эгасининг келажакдаги мавқеи, унинг устозларидан олган билим тарбия жараёни ва шахсий интилишларига боғлиқдир.

Энг муҳими мураббий самимий, фидоий бўла олиши керак. Ёшлар ниҳоятда сезгир, кузатувчан бўладилар: педагогнинг самимий, билимдонлиги уларни дарҳол жалб этади.

Раҳматжон Турсунов ана шундай ҳурматга, самимиятга эга бўлган устоз бўла олди. У ўзидаги бор бўлган барча назарий, амалий билимини ёшларга тақдим этди, десак муболага бўлмас. У дарсларни мазмундор, қизиқарли ва ижодий, жонли ўтаолар, мусиқанинг назарий амалий сирларини ўрганишдек

машаққатлы ишта ёшларни қизиқтира оларди. Шу бойсдан унинг дарсларидан талабалар ҳар куни бирон янгилик олишар әди.

Раҳматжон Турсунов 1962 йилдан 1968 йилгача Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика инситутида, 1968 йилдан 1974 йилгача Тошкент маданий оқартув техникумida ишлади.

1974 йилдан то ҳозирги кунга қадар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият инситутида ишлаб келмоқда. Халқ миљий мусиқасининг бой хазинасини юзага чиқариш ва уни халқнинг ўзига қайтариш, мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида 1987 йили Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият инситутида унинг ташаббуси билан “Халқ мусиқаси” кафедраси ташкил қилинди (дастлаб шундай номланар әди).

Кафедранинг асосий мақсади республикамиздаги ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамбллари учун профессионал раҳбар кадрлар тайёрлашдан иборат. Бўлажак мутахассислар халқ мусиқий меросининг назарий ва амалий асосларини, ўзбек халқининг ва бастакорларнинг ашула ва қуйларини шунингдек, мумтоз мусиқий меросимиз изжро йўлларини ўрганадилар. Ёшларга таълим бериш учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби композитор Матниёз Юсупов (марҳум), Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов (марҳум), Ўзбекистон халқ артистлари: Қизлархон Дўстмуҳамедова, Нуриддин Ҳайдаров, Педагогика фанлари доктори, профессионаллар: Алижон Ҳасанов, Ҳамидулла Нурматов, Педагогика фанлари номзоди, профессор Қўлдош Мамиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Исҳоқ Катаев, Баҳрулла Лутғуллаев, Ҳалимжон Жўраев, Матлуба Даҳабоева, Оролмирзо Сафаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шоҳида Шойи-мардоновалар кафедрага жалб қилинган.

Раҳматжон Турсунов тажрибали педагог сифатида институтда ишлаган кезлари тўрт юздан ортиқроқ маданий-маърифий муассасаларнинг юксак малакали кадрларини тайёрлаб етишитирди. Бу кадрлар ҳозирда республикамиз ва ундан ташқаридаги маданият масканларида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Булар орасида Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Ўқтам Аҳмедов, Зариф Азизов, Собир Мўминов, Илҳом Фармонов, Анвар Фаниев, Сайёра Қозиева; хонандалар Диором Сойипова, Диором Ҳимматова, Замира Намозова, Ҳосила Муродова, Роҳила Рўзимова, Маҳфузабдураҳмоновалар хонандалик, ижрочилик санъатида мусиқа ихлосманлари олқишига сазовор бўлиб келмоқдалар. У Ўзбекистонда ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамблларини ривожланиши ва педагогик шарт-шароитлар мавзусида диссертацион илмий изланиш олиб борди. Республика миқёсидаги кўпгина илмий анжуманларда илмий маърузалар билан чиқди.

Раҳматжон Турсунов ҳаёти силлиқ, сувдек равон бўлгани йўқ. У илмий иш қиласман деб, ишга киришганида миллатимиздан чиқсан ҳасадгўйлар кун бермадилар: қарийиб ёқлашга тайёр ишдан воз кечиб, Москва томон йўл

олди. У ерда 1987 йили “Ўзбекистонда халқ ашула ва рақс ансамблари нинг ривожланиши ва педагогик шарт-шароитлари” номли номзодлик диссертациясини ёқлаётган чоғида ҳам “Меҳрибон” миллатдошларимиз етиб бориб ўзларини “фикр”ларини баён қилиб келдилар.

Аммо Раҳматжон Турсунов ўз назарий педагогик концепциясини муносаб ҳимоя қила олди ва Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

Раҳматжон Турсуновнинг бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалари мухлислар қўлига етиб борди. “Ўзбекистонда мусиқа ҳаваскорлиги”, “Фамзасин севдин кўнгил”, “Чўлдан эсган саболар”, “Ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамбли билан ишлани услублари”, “Қалбимда ўзинг борсан”, “Ашула ва рақс ансамбли билан ишлани услубиёти”, “Халқ куйларини ноталаштириш”, “Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти” шулар жумласидандир.

Унинг 30 дан ортиқ илмий мақолалари “Шарқ юлдузи”, “Гулистан”, “Звезда Востока”, “Меҳнат ва турмуш” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган; 5 та диссертацияга оппонентлик қилди. Ўша йилдан радио бадиий кенгашининг аъзоси.

Раҳматжон Турсуновнинг ўтган 30 йил оралиғида илмий-услубий қўлланмалари, шунингдек самарали бастакорлик ижодий фаолияти учун аввалига доцент (1989), сўнгра профессор (1994) илмий унвонига, ўзбек маданиятини ривожидаги самарали меҳнатлари давлатимиз томонидан муносаб баҳоланиб, 2001 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими фахрий унвони билан тақдирланди. Оиласи, қирқ йилдан бери Муҳаббатхон ая билан мазмунли ва баҳтли ҳаёт кечирмоқдалар, З ўғил фарзандлари бор.

Устоз Раҳматжон Турсунов яқинда 63 баҳорни қарши олди. Унга Оллоҳдан мустаҳкам тансихатлик ила устозлик гаптини суреб юришида узоқ умр тилаймиз.

БАСТАКОРЛИК ИЖОДИДАН

Раҳматжон Турсунов ўзининг вокал лирикасини яратар экан, унинг бир қатор туркийзабон – ўзбек, озарий сингари Шарқ шоирлари шеъриятига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтироми зўрая боради. Бу қизиқишини йил сайн яратётган ранг-баранг ашула ва қўшиқ ижодида кузатиш мумкин.

Бастакор мана шу шоирларнинг шеъриятига фақатгина образлар гўзалиги ёки шеърларининг юксак даражада мукаммаллиги, ўта мусиқийлиги туфайли эмас, балки ўз ижодининг эстетикаси, бадиий дунёқараши жалб қиласиди. Фалсафий оптимизм, ахлоқ ва мазмундорлигининг чуқурлиги, шеъриятнинг оқилона ва гўзал келажакка ишончи асрлар давомида Шарқ шеъриятининг ва Шарқ мусиқа санъати томонидан яратилган ашула ва қўшиқлар мусиқасининг ҳаётий фаолият доираси биргина шеърият билан чегараланмайди. Бастакор учун ана шу шеъриятнинг янги мусиқавий воситалар билан талқин

этиш асосий вазифаларидан бирига айланади. Бу эса унинг Фузулий, Ёнгин Мирзо, Самад Вурғун, Абдулла Орипов, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али сингари таниқли шоирларниң асарларига ҳамоҳанг мусиқа басталашда намоён бўлди.

Раҳматжон Турсуновнинг “шеърхонликда” ўзининг индивидуал услуби бор. У айниқса нутқнинг ритмик бўлинишига алоҳида эътибор беради, қофијаларни куй оборотлари билан алоҳида шарҳлаб ўтади. Чунончи, “Фамзасин севдинг, кўнгил” (Фузулий ғазали) ёки “Ошкор ўлсун” (Самад Вурғун шеъри) сингари қўпчилик лирик ашуаларида шеъриятнинг, аниқроғи, шеърларниң байтлари ички тузилмаларининг барча тафсилотлари ғайритабии нозик ифодаланади, мусиқада, шеър яхлит бир образ сифатида маънодор қилиб баён этилади.

Шарқнинг машҳур классик шоирларидан бири бўлмиш Фузулийнинг “Фамзасин севдинг, кўнгил” ғазалининг чуқур мазмуни мусиқа ижодкорининг оташин қалбига мусиқа ёзиш ғулғуласини солган эди. Ғазалнинг:

Эй камон абру, рақиба берма гамзандин насиб,
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмасму сенга?
Ёндуриб жоним, жаҳон сўз этма барқи оҳими
Осмон, хуршийди раЖшонинг керакмасму сенга?

сатрларида афсонавий гўзал сиймоси ифодаланган юксак поэтик рух ва чуқур фалсафий ғоя, шаклан мукаммал ифода, бастакор дунёқараши, ички дунёсида катта ўрин олибгина қолмасдан, балки унинг мусиқавий бадиий ижросида ҳам ўз аксини топади.

Ашула қуйининг самимилиги ва улуғорлиги, қўлами тингловчи руҳига осойишталик бағишилайди; мусиқанинг “Дунёвий” ҳис-туйғуларини ўзида мужассам этади.

Ашула олти тактли чолғу кириш қисми билан бошланади. Бу чолғу қисми айрим бастакорларнинг ашуаларига зўрма-зўраки киритадиган қўшимча ёки ашула қўйга мос тушмайдиган чолғу қисмларидан мутлоқо фарқ қилади. Бунда чолғу қисми ашула қуйининг ички тузилмасидан келиб чиқади ва олдинда “Фамзасини севадиган кўнгил”нинг туғёнли саволларини бошлаб бергандай бўлади, у асосий қўйга органик боғланиб кетади. Бу ашула қуйининг бошиқа ашула қўйларидан фарқи, унинг тузалиши ва йўланишидадир. Куй анъанавий шаклда бўлмасдан юқоридан пастка томон ҳаракатланади. Дорийминор ладининг товуш қаторида тузиладиган, интонациялар жуда ёрқин ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги ҳолда бу интонация бўлаклари дастлаб тоникада, сўнгра ладининг субдоменанти товушларида тўхталади ва берилаётган савол характеристини янада кучайтиради.

Фортепианода жўр қилиш қисми асосан тоника, субдоменанти, доменанта аккордлари орқали ифодаланган. Бастакор ладда бўладиган ўзгаришларни ашула қуйида эмас, балки гармоник жўр қисмидаги кўрсатишга интилади ва бу билан ашулани руҳан бойитади.

Ашула күйининг яна бошқа хусусий томони, куй таркибларири. Чунончи, ашуда бошдан охиригача бир хил ритмик ўлчовларда берилади. Ҳар бир такт доим иккита саккизтали, чорак ва сўнгра яримталик nota товушлари билан такрорланиб турилади. Бу хилдаги тузилма шаклан бир-бирига ўхшаш бўлса-да, аммо-диапазоннинг секин-асталик билан кўтарилиши натижасида кучлана боради. Биринчи такт тоналликнинг терцияси—сольдан бошланади ва пастга йўналиб тоника—ми да тўхталади, иккинчи такт яна шу шаклда субдоминанти -ля дан бошланиб, яна шу ля да тўхталади, шеърнинг иккинчи мисраси лад олтинчи босқичи-до товушидан кейин -ре товушидан ва ҳоказо. Хуллас, ашула мана шу тахлитда ривожлана боради.

Ашула кўйининг мана шу услубда яратилиши, севги изтиробини тортаётган ёш қалбнинг уф тортиб чуқур хўрсиниши ва унинг ҳар тўрт тактдан кейин бир тактлик чолғу бўллаги билан ажратилиши ҳам лирик ҳис-туйғуларни янада чуқурлаштиради. Ашуланинг иккинчи қисмида лад алмашуви яқъол кўринади ва у драматик ҳаяжон бағишлайди.

Раҳматжон Турсунов озар шоири Самад Вурғуннинг шеърига басталанган ашуласини “Ошкор ўлсун” деб номлайди. Озарбайжончадан Р.Абдурашид таржима қилган бу шеърда севги йўлида ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлган исёнкор шоир дард алами тараннум қилинади.

Бу ашуланинг муҳим томонларидан бири, унинг ўзбек миллий мерос анъаналарига яқин руҳда бўлганлигидадир. Бу ашула ҳам ми-минор тоналлигига, лекин фригий ладида кўйланади. Синкопа ўлчови, аккордларни ёйиқ шаклда ифодаланинни, юқори авжлар ҳисобидан ашула диапазоннинг кенгайтирилиши, (el-a 2) куй таркибининг пофонама-пофона ривожланиб кучланиши, сингари бир қатор хусусиятлари ашулани янада ёрқин ва жозибадор бўлиб эшитилишига имкон беради.

Афсуски, бастакор шеърнинг энг таъсири авжланиши драматик даражага етказишгача олиб келадиган икки сатрини ташлаб кетган:

“Ўлим, э воҳ, бу неъматдир, бу бир шонли саодатдур,
Агар бевақт ўлар бўлсан, рақибим баҳтиёр ўлсун”.

Бу ҳол шеърнинг севги йўлида ўзини қурбон қилишга ҳам рози бўлган образ кайфиятининг бўшаштирилишига сабаб бўлган. Аммо шунга қарамасдан, ашуланинг умумий руҳи фоят жозибали ва таъсирчан шаклга эга. Ашула куйи айrim сатрларнинг такрорланиши хисобидан (Реприза), мураккаб уч қисмли шаклда яратилган. Куйи жуда равон ва айтилиши фоят ўнгай бўлганилиги учун “Фамзасин севдинг, кўнгил...”, ашуласи сингари хонандалар дастуридан мустаҳкам ўрин олган.

Фортепиано жўр қисмида учраб турадиган форшлаглар гоҳ чолғу қисмida, гоҳ ашуланинг юқори авжларида киритилиб, драматик ифоданинг кучайишида муҳим роль ўйнайди.

Бастакор бу ашулада ҳам “Фамзасин севдинг, кўнгил...” ашуласида бўлгани сингари шеърнинг биринчи мисрасини яна бир бор такрорлаш йўли билан

хотима ясайди. Бу билан мусиқа муаллифи шеърда бошланган асосий ғояни қайта-қайта шарҳланишни лозим топади.

Бастакор ижодида булбул ҳақида ёзилган романслар ашула ва қўшиқлар, ҳам кўп учрайди. Мусиқа адабиётида, хусусан ўзбек бастакорлари яратган романслар, қўшиқлар, опера, мусиқали драмалардан ўрин олган. Раҳматжон Турсунов ҳам бу ажойиб анъянага мурожат қилиш йўли билан уни ўзининг тушунчаси бўйича, ўзига ҳос мусиқавий воситалар ёрдамида давом эттиради.

Шоир Абдулла Ориповнинг “Булбул” номли шеърининг мазмуни бастакорнинг диққатини бефарқ қолдирмади, албатта. “Олий мақсад” сари интилиш, шеъриятнинг “Сирли гўзаллиги”, янги-янги куйлар яратиш иштиёқи унинг ички дунёсида ҳам ўрин олган эди: унинг бадиий ижодида ўз аксини қолдирганди.

Бироқ Раҳматжон Турсуновнинг олийжаноб мақсадлар сари интилишларига “Булбул” номи билан қўйланадиган бу хилдаги шеърлар у қадар мос келмайди, албатта. Шоирнинг қаламга олган образи-умумлашган типик образ сифатида очилмай қолган. Чунончи, шоирнинг булбулга қарата берган саволида: “Қани, айт-чи, булбулгинам, ким тушунди, ким тушунди тилингни?”, дейилади. Ҳолбуки, булбул ҳар доим гулга ошиқлигини қўйлади. Бу ҳамма-га маълум. Шу сабабдан мана шу хилдаги шеърларни кўйга солиши ҳам маълум қийинчиликни туғдиради.

Бастакор шеър сатрларининг ҳаммасини ўз ичига оладиган оддий уч қисемли шаклдаги қўшиғида берган савол-жавобини ифодалаш мақсадида қўшиқни речитатив шаклида яратади. Унинг жўр қисми ҳам оддий гармоник функциялар воситаси билан тараннум қилинади. Бундаги кўй ҳам тибийлад тузилмасида эшитилиб туради. Айрим тактларида булбул сайрашини эслатадиган квартольш шаклидаги пастга ҳаракатланувчи секвенциялар ҳам қўлланилган.

Машраб Бобоевнинг “Онамга хат” шеърига ёзилган қўшиқ ҳам шакланва интонация жиҳатдан “Булбул” қўшиғига ўхшаб кетади. Умуман, она ҳақида кейинги йилларда ашула ва қўшиқларнинг турли хиллари ёзилган, яратилган ва ижро этилиб келинмоқда. Уларнинг орасида ҳаяжонли, онага бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром ва жўшқин эҳтиросли сатрларнинг қўпгина турлари учрайди.

Бу қўшиқ ҳам икки чорак ўлчовдаги бир текисда, турли интервал оралиқларида, ҳар бир тактда тўрттадан саккизталик товушларда талқин қилинади. Мана шу нуқтаи назардан қараганда қўшиқ барча хонандаларнинг имкониятлари даражасида қуйланиши мумкин. Айниқса ҳаваскор хонандаларга мос келади.

Шоир Ёнғин Мирзонинг “Ишқинг йўлида” номли бармоқ вазнида, ҳалқнинг қундалик истеъмолда бўлган шеваларида, содда тилда ёзилган шеърга басталанган кўй интонацион ва шаклан, 6/8 ўлчовда яратилиши билан бошқа ашула, қўшиқлардан ажралиб туради. Қўшиқда “идиоматик” товуш билан

бошланадиган авждан олдин, саккиз тактли чолғу қисми қўшиқ йўналишига бошқача кайфият бағишлийди. Фригий си-минор ладнинг турли функцияларидан тузиладиган ёйиқ учтовушликлар тектнинг кучли ҳиссасида триоль шаклида ўтиб туради. Бу хол гармоник жўр қисмида ўзига хос яхлит шакл яратилишига ёрдам беради. Қўшиқ куйи жуда ёрқин, тез эсда қоладиган ва зўр шавқ-завқ билан куйланадиган қўшиқлар қаторида туради.

Бастакор Раҳматжон Турсуновнинг “Фамзасин севдинг кўнгил...”, ёки “Булбул” ашула ва қўшиқлари хонаңдалар дастуридан мустаҳкам ўрин олган ва тез-тез концерт, телевидение, радиода эшитилиб турадиган бошқа бир ашуласи “Мадҳингни куйлай” ашуласидир. (Туроб Тўла шеъри).

Шеърнинг мажозий (аллегорик) мазмуни ёрига қиласидиган мадҳини, севги ҳис-туйғуларини аввал шамолларга, сўнгра шамол орқали осмонга, фалакка етказиш орзусида бўлади, шоир. Шеърнинг мажозий маъноси бўйича ундаги дилрабо образи садоқатидан боғларни ҳам серфайз қиласидиган олло талло назарда тутилади.

Фригий ре-минорда яратилган куй тузилмаси шеърдаги образни очиб кўрсатишга қаратилган. Мусиқа муаллифи шеър сатрининг алоҳида-алоҳида маъно касб этадиган сўзларига, чунончи “Ишқингни айтдим” ёки “Боди сабога” сўзлари учун жуда ёрқин, чуқур фалсафий маънодаги интонация тизилмаларини яратади. Даствлаб икки тактда ифодаланган парчада, тоналикнинг тоник товушида тўхталиш бўлади. Сўнгра қисқа, чоракталик паузадан кейин бу мусиқавий интонация шаклан хиёл ўзгарган шаклда такрорланади. Бунда фикр тасдиқланади. Яна тоник товушида тўхталиш, яна пауза. Мана шу икки ҳолатда тоника товуши сақланилганида шеърдаги мазмунни фортияси ёки мусиқавий жўр қисми давом эттирилиб, тўлдириб турилади.

Бу иккала интонация қўшилмасидан тўрт тактлик мусиқавий жумла мусиқавий тафаккурни янада ривожлантиради. Шеърда ўзига хос услубда нақорат ҳам киритилган. У шундай сатрларда куйланади:

*Олам мунаввар сен бор самодан,
Сен борсан самодан, сен дилрабодан.*

Бастакор бу нақорат сатрларини янада шарҳлаб ўтиш мақсадида уни икки овозли шаклда куйлашни тавсия қиласиди. Нақоратнинг даствлабки икки такти терция интервалида, кейинги икки такти ўзбек чолғу мусиқаси ва асбоблари услубида кварт-квинта интервалларида айтилади. Мусиқа жўр қисми юқорида икки овозли тузилмани янада қучайтириш мақсадида унисон ҳолда жўр бўлади. Мазкур нақорат ашула давомида шеърда бўлгани сингари уч матра такрорланади.

Бастакорнинг мана шу хилдаги ўзига хос услуби ашулани ҳар хил шаклда турланиши, ранг-баранг бўёқларда эшитилиши, шаклан ва мазмунан бойтилишига имконият яратади.

Шоир Жуманиёз Жабборовнинг “Баҳор қўшиғи” номли шеърида бошланниб келаётган баҳордан шодланиб, табиат оғушида, бояғу гулистонларда сайр

қилиш, дўстини дашту адиrlарга бошлаб бориб дилхушлик қилиш туйғулари билан суғорилган шодиёна кайфият акс эттирилган.

Бастакор бу уч бандлик шеърнинг икки бандига шодиёна күй яратади. Қўшиқ халқ орасида табиат манзараларидан шодланган халқ қўшиқлари интонациясидан ижобий фойдаланади. Бастакор шеърдаги воқеани тасвирлар экан, мусиқа воситаси билан манзалардаги сайроқи қушларни ва қувноқ кайфиятни ифодалашга интилади. Жуда юқори пардалар (учинчи оқтаванинг соль-диез товуш) да чолғу кўйининг бошланиши, ҳар хил форшлаглар, лад қалити белгиларининг алмасиб туриши сингари бир қатор услублари мазкур қўшиқни жарангдор оҳангларда эшитилишига ҳамкорлик қиласиди. Мусиқа муалифи шеърнинг охирги учинчи сатрига кўй басталамайди. Қўшиқ охирида шеърнинг биринчи мисрасини хотима қисми сифатида қўллади.

Шоир Абдулла Ориповнинг бастакор томонидан кўй басталанган бошқа бир шеъри “Аён бўлтай” ҳам мазмунан лирик ашуналар қаторида туради. Раҳматжон Турсунов бу асарига асос қилиб қисман мақом ва фарғона водийсида кенг тарқалган ялла интонацияларига таянади. Бунда бирор-бир халқ кўйи айнан кўчирилган эмас, албатта, у баъзи бир миллий кўйлар шаклини эслатади холос.

Аммо кўй ўлчови таклар оралиғи билан бирлаштириладиган синкопа усулига тушурилганлиги натижасида шеър вазнидан чиққандай бўлиб туюлади. Бунинг натижасида ёрқин шаклга эга бўлмаган 7-8 ўлчов маъқул эди.

Бастакор Раҳматжон Турсунов шоир Нормурод Нарзуллаевнинг иккита “Интизор дил” ва “Механизаторлар қўшиғи” шеърларига ҳам кўйлар яратади. Булардан “Интизор дил” қўшиғи ҳам хонандалар дастуридан жой олган ва севилиб кўйланаётган қўшиқлардан хисобланади.

Мазкур қўшиқнинг кўй шакли ҳам бошқа ашула ва қўшиқларида бўлганлиги сингари вена классик мусиқа услубига асосланган квадрат, яъни $4+4=8$ тактлардан тузилган даврияга асосланади. Фа-диез минор фригий ладида тузилган биринчи мусиқавий жумла ҳам икки бор такрорланади. Бу билан бастакор шеър мисраларини такрор-такрор шарҳлаб туришга эришади.


Ашуланинг юқори авжлари шеърнинг тўртинчи байти икки мисрасини ўз ичига олади ва авжнинг кўлами бир ярим оқтавага бориб етади. Бу авжга чуқур севги ҳис-туйғулари, унинг ҳаяжон билан жўшқинланиши ўз ифодасини топади. Мусиқа муалифи бу ашуласида ҳам ёрқин, дилқаш ва ёқимли оригинал интонацияга асосланиб ривожланадиган шаклини топа олган. Ашуланинг мана шу ўзига хос хусусияти уни ижрочилар орасида танилишига олиб келганди.

Мазкур саҳифаларда бастакорнинг айрим ашуналари устида тўхталиб ўтилди холос. Қилинган таҳлиллардан муалифнинг қўшиқ жанридаги асарларида реалистик миллий саънатнинг типик услублари очиқ-ойдин кўриниб туради. Бу жанр Раҳматжон Турсунов ижодида ранг-баранг, кичик мусиқий қасидалар шаклида номоён бўлади, бу асарларда ҳаёт ҳақиқатининг турли

томонлари қамраб олинган, улар бадиий умумлаштирилган. Буларнинг барчаси бастакорнинг ҳар бир асарида ёрқин ифодаланган.

Маълумки, бастакорнинг ютуғи кўп жиҳатдан ижрочига боғлиқ. Унинг бастакорлик ижодига хос хусусиятлардан бири у ўз асарларини ижрочиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратади. Бу жиҳатдан марҳум Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов учун яратган ашуалари диққатига сазовордир. Унинг ижросида “Фамзасин севдинг, қўнгил” (Фузулий ғазали), “Ошкор ўлсун” (Самад Вурғун ғазали), “Жононсан” (Усмон Жонгитов шеъри), “Саодат бу” (Восит Саъдулла шеъри) каби лирик ашуалари қўшиқ шайдоларининг юрак-юрагига сингиб кетган. Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ижро этган “Мадҳинг куйлаб” (Т.Тўла шеъри), Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Сайджонов ижро этган “Фурқат нидоси” (Абдулла Орипов ғазали), “Висолинг бўлмаса” (Атоий ғазали), Ўзбекистон халқ артисти Ёрқиной Хотамова ижро этган “Булбул” ашуласи, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова ижро этган “Шаҳло” рақси, Ўзбекистон халқ артисти Комуна Исмоилова ижро этган “Қалбимда ўзинг борсан” (Нормурод Нарзуллаев шеъри), Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов ижро этган “Ўртади” (Навоий ғазали), Ўзбекистон халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродов ижро этган “Ёр олдида” (М.Али ғазали), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова ижро этган “Нур бўлиб дунёга келгансан” (Эркин Воҳидов ғазали), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмирзо Сафаров ижро этган “Кўзи сузук нигорим” (Нозима хоним шеъри), “Соғиндим” (Чархий шеъри), “Ониқ ўзи бўлакчадир” (Пўлат Мўмин шеъри), хонанда Муяссар Қосимова ижро этган “Наврўзга етганда” (Анвар Истроилов шеъри), Озода Мадраҳимова ижро этган “Севги ихтиёри” (Пўлат Мўмин шеъри), Чамангул Нуруллаева ижро этган “Ишқинг йўлида” (Ёнғин Мирзо шеъри), Салоҳиддин Лутфуллаев ижро этган “Мубтало қилурсан” (Лутфий ғазали), Турсунбой Парпиев ижро этган “Гулзорা келдим” (Ориф Одилхонов шеъри) каби кўпгина қўшиқлар кўпчилик мусиқиа шинавандаларига манзур бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Раҳматжон Турсуновнинг келажак авлод учун мерос қилиб қолдирган асарлари аллақачонлар халқимиз дилидан жой олган. У ўзининг ижодий, илмий ва педагогик фаолияти билан ўзбек миллий мусиқий санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз санъаткорлардан бири ҳисобланади.



Рахматжон Турсунов – Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти «Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик» кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, профессор, бастакор, устоз-мураббий.



1972 йил декабрь. Раҳматжон Турсунов Тошкент маданий-оқартув техникуми талабаларига Сольфеджио фанидан машгулот ўтаётган пайти.



1973 йил апрель. Тошкент маданий-оқартув техникуми «Сайқал» созандалар ансамблининг республика телевидениесида «Сочи» күйини ижро этаётган пайт.

Чапдан ўнгта: Убайдулла Қорабоев (доира), Қобил Усмонов (рубоб), Сайд Қаъдабоев (ғижжак), Қўлдош Мамиров (най), Абдураҳим Исматуллаев (чанг), Кенжа Юсупжонов (афон рубоби), Раҳматжон Турсунов (рубоб), Даврон Балихов (дутор).



1976 йил март. Тошкент вилояти педагогика билим юртида ўтказилган ижодий учрашув дастурида Раҳматжон Турсунов ўзи басталаган «Нозли ёрга» асарини рубобда ижро этаётган вақти.



1979 йил. Профессор Раҳматжон Турсунов рафиқаси – Мұхаббат Поёнова, ўғы Шерзоджон билан.



1985 йил. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўтиказилган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашув вақти.

Чапдан ўнгга: Раҳматжон Турсунов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, доцент Шухрат Усмонов.



1985 йил. Раҳматжон Турсунов Ўзбекистон бастакорлари даврасида.

Чапдан ўнгга: бастакор С.Абдусаломов, бастакор Р.Турсунов, Ўзбекистон халқ артисти С.Жалил, мусиқашунос Л.Юсупов, бастакор А.Алекперов.






1989 йил. Раҳматжон Турсунов «Халиқ мусиқаси» кафедраси ўқитувчилари ва «Ёш истеъдод» конкурси иштирокчилари даврасида.



1989 йил. Раҳматжон Турсунов «Халиқ мусиқаси» кафедраси ўқитувчилари ва талабалари даврасида.



1989 йил 14 март. А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўтказилган 50 йиллик таваллуд куни туширилган фото ҳужжат.

Үнгдан: профессор Малик Муродов (мархұм), доцентлар Эркин Худойбердиев, Шухрат Усмонов.



Ушбу сурат 14 март 1989 йил 50 йиллик ижодий кечада олинған.



1990 йил Раҳматжон Турсунов «Халқ мусиқаси» кафедраси аъзолари даврасида. Биринчи қаторда чапдан: катта ўқитувчи Мавжуда Тўраева, Ўзбекистон санъат арбоби, композитор Матиёз Юсупов, доцент Жасур Расултоев, профессор Раҳматжон Турсунов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исҳоқ Катаев, жўрнавоз Дилором Муҳамедова, иккинчи қаторда: катта ўқитувчи Фанижон Ваҳобов, профессор Қўлдош Мамиров, ўқитувчи Болтабой Сайрамов, доцент Матназар Худойназаров, жўрнавоз Абдураҳим Муҳамедов, жўрнавоз Ислом Зуфаров.



1995 йил. Профессор Раҳматжон Турсуновнинг ўғли Шавкатжон Турсунов рубоб синфи бўйича ўtkazilaётган машғулоти.



2003 йил май. А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти «Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлар» бўлими талабалари билан профессор Раҳматжон Турсунов ҳамда ўқитувчи Шомурод Даҳаев «Ашулачилик ансамбли» фани бўйича машғулот пайти.



2003 йил июнь. А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти «Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлар» кафедраси аъзолари даврасида.

Чандан ўнгга: ўқитувчи Насиба Абраїқурова, ўқитувчи Қамара Сейтжонова, Зулфия Шомагдиева, етақчи концертмейстер Наташа Белянова, доцентлар Абдулла Умаров, доцент Матназар Худойназаров, магистр Нодира Пирматова.

БАСТАКОР РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВНИНГ АСАРЛАРИ РЎЙХАТИ

Т.Р	Асарларнинг номлари	Шоир	РДКС	№
1.	«Бўйларингта»	Махтумқули	РДКС	38779
2.	«Булбул»	А.Орипов	РДКС	29332
3.	«Шаҳло»	Раҳс созандалар ансамбли ижросида	РДКС	20512
4.	«Наврўз рақси»	Рубоб у-н куй	РДКС	40932
5.	«Фамзасин севдинг кўнгил»	Фузулий	РДКС	19942
6.	«Саодат бу»	В.Саъдулла	РДКС	19943
7.	«Азим дарё»	З.Обидов	РДКС	21169
8.	«Қалбимда ўзинг борсан»	Н.Нарзуллаев	РДКС	20657
9.	«Мубтало қилурсан»	Лутфий	РДКС	28237
10.	«Ошкор ўлесун»	С.Вурғун	РДКС	24764
11.	«Ёр васли»	Н.Нарзуллаев	РДКС	20390
12.	«Пахта жилваси»	П.Мўмин	РДКС	22574
13.	«Бу кун»	А.Орипов	РДКС	20490
14.	«Чўл гуллари»	Г.Тўраева	РДКС	22812
15.	«Оқ пахтамни шуъласи»	Ю.Шамонсиров (Болалар у-н қўшиқ)	РДКС	22256
16.	«Ёдимда сен»	Най учун куй	РДКС	22575
17.	«Толиқмас қуллар»	С. Қўёнбеков	РДКС	23706
18.	«Ишқнинг йўлида»	Ё. Мирзо	РДКС	25970
19.	«Баҳор қўшиғи»	Ж. Жабборов	РДКС	27209
20.	«Сен қувончим»	Үйғун	РДКС	24729
21.	«Боқмади»	Р.Абдурашид	РДКС	26505
22.	«Чанг таронаси»	Чанг учун куй	РДКС	26350
23.	«Баҳор»	Н.Рўзимухамедов (болалар қўшиғи)	РДКС	25841
24.	«Пахтаойдан ассалом»	Н.Нарзуллаев (болалар қўшиғи)	РДКС	27357
25.	«Хаёт қўшиғи»	Н. Нарзуллаев	РДКС	27587
26.	«Ошиён»	Т. Тўла	РДКС	28236
27.	«Мадҳингни куйлай»	Т. Тўла	РДКС	27502
28.	«Булбул нозидан»	У. Жонгитов	РДКС	28231
29.	«Онамга хат»	М. Бобоев	РДКС	28546
30.	«Аён бўлгай»	А. Орипов	РДКС	27960
31.	«Кўрмасам»	Файратий	РДКС	30775
32.	«Сархушман»	А. Қосимов	РДКС	35188
33.	«Чўлдан эсган саболар»	М.Али (4-қисм сюита)	РДКС	29285
34.	«Муҳаббатдан»	Ж.Жабборов	РДКС	35829
35.	«Ярашгайдир»	И.Тўхтамишев	РДКС	34109
36.	«Севги ихтиёри»	П.Мўмин	РДКС	33276
37.	«Насиб этсин сенга»	Ж.Жабборов	РДКС	33960
38.	«Гулзора келдим»	О.Одилхонов	РДКС	33994
39.	«Висолинг бўлмаса»	Атоий	РДКС	33492
40.	«Кўнгул»	А.Орипов	РДКС	36764
41.	«Наврўзга етганда»	А.Истроилов	РДКС	36031

Т.Р	Асарларнинг номлари	Шоир	РДКС	№
42.	«Эмасму»	Т.Хўжақулов	РДКС	36200
43.	«Ўртади»	Навоий	РДКС	36519
44.	«Софиндим»	Чархий	РДКС	36372
45.	«Кечиб бўлмас»	Н.Нарзуллаев	РДКС	37248
46.	«Жондин йироқ»	Лутфий	РДКС	37752
47.	«Кўзи сузук Нигорим»	Нозимахоним	РДКС	38394
48.	«Фурқат ниҳоси»	А.Орипов	РДКС	40421
49.	«Ватан»	А.Орипов	РДКС	39025
50.	«Жононасан»	У.Жантитов	РДКС	20958
51.	«Ўзбегимнинг сулув қизлари»	М.Юсуф	РДКС	39476
52.	«Нур бўлиб келгансан»	Э.Воҳидов	РДКС	40058
53.	«Ошиқ ўзи бўлакчадир»	П.Мўминов	РДКС	41595
54.	«Маҳбубага»	О.Ҳакимов	РДКС	37925
55.	«Шабнам»	А.Суюн	РДКС	37930
56.	«Ёр олдида»	М.Али	РДКС	40115
57.	«Она қўшиғи»	Қ.Ота	РДКС	37926
58.	«Умринг безавол бўлсин»	Қ.Ота	РДКС	38393
59.	«Тонг саҳар ғазал битдим» (ёки ватан меҳри)	Ф.Усмон	РДКС	48506
60.	«Муҳаббат сен менинг мангу куйимсан»	Ш.Аҳророва	РДКС	41629
61.	«Хижрон»	О.Одилхонов	РДКС	40828
62.	«Қиз хаёли»	М.Жалил	РДКС	42122
63.	«Навбаҳор»	Ф.Шоҳисмоил	РДКС	41136
64.	«Ватан мадҳи»	А.Суюн	РДКС	38091
65.	«Ватаним тинчлик боғи»	Қ.Ота (болалар қ-ғи)	РДКС	37961
66.	«Ўзбекистон ёшлари»	С.Барноев	РДКС	42310
67.	«Бўлмаса»	А.Орипов	РДКС	41630
68.	«Соҳибқирон Темур»	А.Орипов	РДКС	42381
69.	«Ватан»	М.Тоир	РДКС	42382
70.	«Ўзбекман»	А.Орипов	РДКС	42265
71.	«Эй фалак»	М.Жалил	РДКС	42588
72.	«Хуш келибсиз»	Н.Нарзуллаев (дуэт)	РДКС	42123
73.	«Офатижонсан»	Ж.Камол	РДКС	30773
74.	«Ҳашам этмиш»	Ж.Камол	РДКС	38348
75.	«Ўзбекистон она диёр»	М. Али	РДКС	38348
76.	«Соз сехри»	Рубоб у-н куй	РДКС	37921
77.	«Хижрон»	А. Суюн.	РДКС	37751
78.	«Жонон билмайди»	Т.Ниёз	РДКС	39477
79.	«Дунё гўзаллиги қизлардан»	Т.Ниёз	РДКС	40248
80.	«Дилбарму дилрабому»	В.Саъдулла	РДКС	28778
81.	«Сен қайтарсан»	П. Мўмин	РДКС	28232
82.	«Қаламқоп»	Й. Пардаев	РДКС	36126
83.	«Юрак ёлғиз ўтар бўлди»	Ш. Аҳмедова	РДКС	39328

РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛГАН ИЛМИЙ ВА ОММАБОП МАҶОЛАЛАРИ

1. Халқ ансамбли, “Шарқ юлдузи”, 1976 йил, № 6.
2. Парвоз довруғи, “Меҳнат ва турмуш”, 1976 йил № 6.
3. Қишлоқ бадиий ҳаваскорлари. “Ўзбекистон маданияти”, 1977 йил 25-февраль.
4. Қишлоқ ҳаваскорлари. “Совет Ўзбекистони санъати”, 1978 йил № 3.
5. Маҳорат чўққиларга. “Совет Ўзбекистони санъати”, 1978 йил № 11.
6. Фольклор ва бадиий ҳаваскорлик ансамбллари. “Шарқ юлдузи”, 1980 йил № 12.
7. Становление ансамблевой формы в музыкальном искусстве самодеятельном искусстве Ўзбекистана. Сборник научных трудов ТашГИК, 1980 год.
8. Есть такой ансамбль, есть такие ансамбли. “Звезда Востока”, 1981 йил № 2.
9. Махсус бўлим очилса. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1983 йил 29-апрель.
10. Кўнгилдай Нози, Юртдай улуғвор. “Қашқадарё ҳақиқати”, 1988 йил 21-апрель.
11. “Анъанавий мусиқа мактаби очайлик”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1988 йил 4-сентябр.
12. Миллий мусиқамиз илдизлари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1988 йил.
13. Замон созига уланган торлар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1989 йил, 18-август.
14. Ёр-ёрларнинг мусиқий табиати. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1990 йил № 1.
15. Пойдевор мустаҳкам бўлсин. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1990 йил 2-ноябрь.
16. Анъанавий бастакорлик бўлими тузилса. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1990 йил 22-июнь.
17. Ўзбек лапарларининг мусиқий табиати ҳақида баъзи қайдлар. “Ўзбекистон тили ва адабиёти” 1991 йил № 9.
18. Илоҳий туйғудан оҳанглар яралади. “Хабар”, 1992 йил 11-декабрь.
19. Мустақиллик-зафар йўли. “Ўзбекистон овози”, 1993 йил 1-август.
20. Бастакорлик санъати. “Гулистон” 1994 йил № 5.
21. Ўзбек қўшиқчилик санъатининг баъзи муаммолари. “Мусиқада тълим ва тарбия бирлиги”, 1996 йил № 1.
22. Ўзбек қўшиқчилик санъати илдизларига бир назар. “Маънавият ва маърифат – Давлат сиёсатининг устивор йўналиши”. ТДМИ илмий тўплам, 2000 йил.
23. Темурийлар даврида мусиқа. “Гулистон”, 2001 йил № 3.
24. Эл суйған ҳофиз. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2003 йил 11-апрель.

РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВНИНГ БАСТАКОРЛИК ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҶОЛАЛАР ВА ЭШИТТИРИШЛАР

1. Бердиев К. “Кўй басталайди, ижро этади”. “Қашқадарё ҳақиқати”, 1966 йил 10-август.
2. Фозилов Н. “Сеҳрли бармоқлар”. “Тошкент оқшоми”, 1972 йил 31-январ.
3. Хидиров М. “Қанотланган “Орзу”. Ўзбекистон Маданияти, 1972 йил 30-апрель.
4. Абдураҳмонов Т. “Илҳом тўлқинлари”. “Ёш Ленинчи”, 1975 йил 27-март.
5. Ҳакималиев У. “Ҳиссиётлар оҳанглари”, “Ёш Ленинчи”, 1979 йил 23-март.
6. Мамиров Қ. “Орзулар қанотида”. Совет Ўзбекистони санъати: 1979 йил № 5.
7. Абдуллаева М. “Оҳанглар сеҳри”. Ёшлиқ 1982 йил № 6.
8. Исройлов А. “Кўйла созим” Республика телевидениесида ижодий концерт, 1970 йил Май.
9. Тошбоева Т. “Ўзбекистон бастакорлари”. Республика телевидениесида фильм концерти, 1989 йил 17-март.
10. Миролимова З. “Бастакор Раҳматжон Турсунов қўшиқлари”. Республика радиосида очерк-концерт, 1991 йил Март.
11. Р.Неъматов. “Сеҳрли оҳанглар сардори”. Нафосат, 1999 йил 8-февраль.
12. Р.Неъматов. “Ноталарга жон бағишлиб”. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1999 йил 19-февраль.
13. Ҳожи Сатимхон. Мунаввар “Бастакорлар профессори”, Ҳуррият, 1999 йил 16-март.
14. Б.Саримсоқов, Н.Қосимов. “Дилгир наволар”. Тошкент оқшоми, 1999 йил.
15. Б.Муҳаммадиев. Ўзбекистон бастакорлари. Республика телевидениесида фильм концерт, 1999 йил, март.
16. С.Одилов. “Ўзбекистон бастакорлари”, 1,2 қисми, Республика телевидениесида фильм концерт 2002 йил октябрь
17. З.Миролимова. “Жавоҳир”. Республика радиосида ижодий эшиттириш, 2003 йил 6-март.
18. Эркин Худойбердиев. “Бастакор-мураббий, дилкаш- инсон”. Ўзбекистон овози, 1999 йил 13-март.

РАҲМАТЖОН ТУРСУНОВНИНГ ЧОП ЭТИЛГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

1. Ўзбекистонда мусиқа ҳаваскорлиги. Тошкент, Ўзбекистон 1981 йил.
2. Чўлдан эсан саболар.Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1984 йил.
3. Фамзасин севдинг кўнгил. Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил.
4. Ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамбллари билан ишлаш услублари Тошкент, ФБАН, 1991 йил.
5. Қалбимда ўзинг борсан. Тошкент. “ДИТАФ” 2001 йил.
6. Ашула ва рақс ансамбли билан ишлаш услубиёти. Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2002 йил.
7. Халқ қўйларини ноталаштириш. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002 йил.
8. Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти. “Маърифат-Мададкор” нашриёти, 2002 йил.
9. Анъанавий қўшиқ ижрочилиги услубиёти. 2003 йил.

ИЛОВА, НОТА МАТНЛАРИ

ЎРТАДИ

Moderato

Навоий ғазали

Чех-ра ў-ти

бир-м гүл- аум

хо- ну-мо- ни

ўр-та- ди

о- та-шии

гу

ни-зи буа- буа

чи- ё- ни

ўр-та- ди

о- та-шии

абз-

ли- ли ход зр- мас-

ки кўй- миши

то- зи аде,

Ҳар ба-ҳо- на

ай- ма-бон

уш-

ШОК ЖО- НИЙ ўр - та - ди
 зор күнг - АНН ич - ра со - АНН
 сү - зи ҳажр Ким бу яңг - АНН бир - ла күй - ган
 но - та - во - НИЙ ўр - та - АН

Сү- зи- ни- ким маф- та- ри- га
 хар- ки- ни- ким сол- аи- күз
 ўр- та- ниб Фар- хо- ду Маж- нун
 дос- то- ник ўр- та- ди
 хо- ба- ки- да сол- аи ўт кир- газ
 на- во- ий дайр а- ро
 хар фа- вар- дик ганж- ким топ- ти
 аү- ко- иин ўр- та- ди
 ўр- та- ди.

Чехра ўти бирла күнглим хонумонин ўртади,
 Оташин гул ишкى бұлбұл ошиёниң ўртади.
 Оташин лаълида хол эрмаски қўймиш тоза дөғ,
 Ҳар баҳона айлабон ушшоқ жонин ўртади.
 Ишк ўтидин зор күнглим ичра солдинг сўзи ҳажр
 Ким бу янглиғ бирла куйган нотавонин ўртади.
 Сўзи ишқим дафтариға ҳар кишиким солди кўз,
 Ўртаниб Фарҳоду, Мажнун достони ўртади.
 Хонақоҳга солди ўт киргач Навоий дайр аро,
 Хирфавардек ганжким топти дўконин ўртади.

МУБТАЛО ҚИЛУРСЕН

Allegro

moderato

Лутфий шеъри

Ул риз - за - дин ўз от

ма, он сиз ба - ло қи - лур - сен.

Ҳус - ният би - ла жа - ҳон - ни.

чин муб - та - ло қи - лур

сен.

Не - ча ва - фо - ра ваз - да

CEH

Moy-hu mao-ho-ayp - ceh
ge-ko-pa Ay-fang khyr-ayp
Xye-huun go-an yi-ayp
Tyan kyan e-tap - tu gao - in
Kya-py ma-fo hu-ayp
Key-tan kyan-tan-aa-ayp
Key-tan kyan-tan-aa-ayp
The no-ma-po hu-ayp - ceh
Key-tan qin-por 3-hu - ANH
3-hu kyan do-an-hu kyan - ANH
e-huun he-kyan ty-kap
Xap-tu ba-fo hu-ayp - ceh
Ceh-y-mp-ceh hu-in - in

Ул ғамзадин ўқ отма онсиз бало қилурсен,
Хуснинг била жаҳонни чин мубтало қилурсен.
Неча вафога ваъда қилмайсан, эй жафочи,
Сен умрсен кишига ҳаргиз вафо қилурсен.

Эй кўз юзини кўрдинг ёшинг нечун тўкарсан
Кечган фироқ элиидин неможаро қилурсен.
Куйган кўнгилда ҳардам меҳринг бўлур зиёда,
Тун – кун агарчи бизга жабру жафо қилурсен.

Йуқдур ажаб гар олдинг бечора Лутфий кўнглин,
Хуснинг била чу юз минг шоҳни гадо қилурсен.

ЖОНДАН ЙИРОҚ

Вазмин

Лутфий газали

Ул - ту - руп, ҳик - рон ме - ни,
ул - ро - ха - ти, жон - дин йи - рок,
Туш - ма - сун, гул Мав - су - ми,
ҳеч - ким - са - жо -, ҳон - дин йи - рок.

Ло - ла - тек баг - рим - да ас
 зр - аи а - жаб ким - ял - ни - шам
 Бир су - ман, бир ю - зи гул
 сар - ви хи - ро мон - ани йи - рок.

 Дүст - лар - нинг күнг - ли гул -
 тек о - чи - либ гул - гашт а - ро

 Мен сү - зумг - дех ё - зи - да
 ул ай - шу жав - лон - ани йи - рок

 Эй күн - гул, ҳас - рат - да жон
 бер - гиа ао - ги висса ис - та - ия

Ким з- рур мәх- ру за- фо
 ул шо- хи ху бой- дин ий- рок
 Аут- фи зул- фу ю- зи- дин
 хай- рат- ма- ко мин- да ту- туб,
 Бир а- жаб о- лам- да қол
 миш күф- ру и- мон- дин ий- рок.
 1.
 2.

Үлтирур ҳижрон мени, ул роҳати жондин йироқ,
 Тушмасун гул мавсуми ҳеч кимса жонондин йироқ,
 Лолатек бағримда доғ эрди. ажабким, колмишам.
 Бир суман, бир юзи гул сарви хиромондин йироқ,
 Дүстларнинг кўнгли гултек очилиб гулгашт аро,
 Мен сўзунгдек ёзида ул айшу жавлондин йироқ.
 Эй кўнгул, ҳасратда жон бергил, даги васл истама.
 Ким, эрур мәхру вафо ул шоҳи хубондин йироқ.
 Лутфий зулфу юзидин ҳайрат мақоминда тушиб,
 Бир ажиб оламда қолмиш күфру имондин йироқ.

ВИСОЛИНГ БЎЛМАСА

Andantino

Атойи ғазали

Ул- тү- рур
 эр- ди ме- ни

хиж-рон ха-е- линг бүл-ма-са, Е у-ми-
 Аи даб-ла-ти вас-ли ви-со- Аинг бүл-ма-са
 Сев- ма- гай эр-ди ки-ши о-лам- да сен- дин ўз-га-ни,
 Гар ва- фо. қил- мок- та о- шик- қа ў-со-
 Аинг бүл- ма-са. Не- ча-е бүл-са ма- лак
 күр- гач се- ни ин-сон би- кин
 Не а- жаб маҳ-шар- да ҳам сў-роқ са- во-
 Аинг бүл- ма-са.
 О- да- ми- лик- дин э- мас-
 ким ул- па-ри- дин ай-ри- либ, Бу ти- рик-
 лик- дин кўи- гил гар ин- фи о- Аинг бүл- ма-са
 Ки- лу қо- линг дан о- то- ии ма- ри- фат' тут- ма у- ни
 Ул о-ғиз, бе- линг ха- е- ли бир- ла хо-
 Аинг бүл- ма-са.